RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№ F 91100

Шу азиз ватан — барчамизники

O'zbekiston ovozi

O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI ❑ 2000 YIL 23 SENTABR SHANBA № 113 (26.663)

ЁН ҚЎШНИ – ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 21-22 сентябрь кунлари расмий ташриф билан Туркманистонда бўлди.

Ўзбек ва туркман халқлари ўртасидаги ўзаро муносабатлар тарихи асрлар билан ўлчанади. Ушбу давр мобайнида халқларимиз, бирор муддат бўлсин, ўз тараққиётини бир-бирисиз тасаввур қилган эмас. Кўп асрлик дўстлик ва қўни-қўшничилик муносабатлари, айниқса, мустақиллик йилларида тамомила янги босқичга кўтарилди.

Айни пайтда мамлакатларимизнинг ўзаро савдо-иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий алоқалари кўлами тобора кенгайиб бораётир. Аввало, Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасидаги маданий соҳага тўхталсак. Ўзбек ва туркман халқларининг урф-одатлари, санъати бир-бирига жуда яқин. Бу келиб чиқиши, илдизлари бир бўлган икки халқ ўртасидаги маданий алоқалар доимо юксак даражада бўлганидан далолат беради. Ҳозир бу борада ўзаро муносабатларни янада юқори поғонага кўтариш жараёни кечмоқда. Жумладан, куни кеча Тошкентда Туркман миллий маданияти маркази очилгани, Президент Ислом Каримовнинг Ашхободга расмий ташрифи чоғида эса Туркманистонда Ўзбек миллий маданияти марказини ташкил этиш тўғрисида протокол имзоланган бунинг яққол тасдиғидир.

Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар хусусида шуни айтиш мумкинки, икки мамлакат ўртасидаги экспорт-импорт операцияларида, асосан, қишлоқ хўжалик машиналари ва кимё саноати маҳсулотлари салмоқли ўрин тутади. Жорий йилнинг дастлабки етти ойи давомида ўзаро савдо ҳажми 1999 йилнинг шу даврига нисбатан 2,5 баробар кўпайиб, 180 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир қарашда, бу рақамлар жуда катта кўринса-да, савдо-иқтисодий алоқалардаги суръатни мавжуд имкониятлар даражасида, деб бўлмайди. Президент Ислом Каримов Туркманистон раҳбари Сапармурод Ниёзов билан бўлган музокаралар чоғида шу жиҳатга алоҳида эътибор қаратиб, ўзаро савдо-сотиқ ҳажмини ошириш чора-тадбирларини кўриш лозимлигини таъкидлади.

Ўзбекистоннинг иқтисодий қудрати тобора ортиб боряпти. Жумладан, мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти юксалмоқда. Бу эса Ўзбекистондан муқобил транспорт йўллари — Туркманистон ҳудуди орқали юк ташишга жиддий эътибор қаратишни талаб қилаётир. Зеро, Ўзбекистоннинг ташқи савдо-иқтисодий алоқалари учун муҳим аҳамиятга эга бўлган Жанубий Осиёга, Яқин Шарқ ва Форс кўрфазига, Каспий денгизи орқали Европага чиқадиган транспорт йўллари айнан шу ҳудуддан ўтади. Шу сабабли, Туркманистон орқали транзит юк ташувининг мустаҳкам ҳуқуқий асосини қуриш жуда муҳим. Шу маънода, Президентимизнинг Ашхободга сафари чоғида икки давлат ўртасида темирйўл транспортида транзит юк ташувини тартибга солиш соҳасида ҳамда солиқ қонунчилигига риоя қилиш масалаларида ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам кўрсатиш тўғрисида имзоланган битимларнинг аҳамияти беқиёсдир.

Ушбу ташриф чоғида Ислом Каримов Туркманистоннинг транзит салоҳияти Ўзбекистон учун йилдан-йилга тобора катта аҳамият касб этаётганини таъкидлади. Айниқса, яқинда Ўзбекистонда Қамчиқ довонидан ўтган йўлнинг фойдаланишга топширилиши билан Шарқу Ғарбни боғлайдиган улкан халқаро магистрал фаолияти учун яна бир залворли қадам ташлангани Туркманистон орқали транзит юк ташувини кенгайтириш заруратини янада яққолроқ намоён эта бошлади. Бу йўлнинг Сарахс-Тежан-Машҳад йўналиши билан боғланиши Ўзбекистоннинг экспорт имкониятларини оширишга катта туртки бўлиши, шубҳасиз.

Ташриф давомида Ўзбекистон билан Туркманистон ўртасида давлат чегараларини делимитация қилиш тўғрисида шартнома имзоланди. Маълумки, сўнгги вақтларда Марказий Осиё мамлакатлари давлат чегараларини белгилаш жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу тадбир минтақа давлатларининг ўзаро муносабатлари халқаро андозалар асосида ривожланиши учун жуда муҳимдир.

Ўзбекистон Туркманистон билан қарийб 2000 километрлик давлат чегараларига эга. Шу боис давлат чегараларини белгилашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон ва Туркманистон Марказий Осиё мамлакатлари орасида биринчи бўлиб, бу борада келишувга эришди ва тегишли ҳужжатни имзолади. Ислом Каримов мазкур шартноманинг аҳамияти катта эканлиги ҳақида гапирар экан, у баъзи ёвуз кучларнинг чегара масаласида мамлакатларимиз ўртасида келишмовчиликлар келтириб чиқаришга уриниши эҳтимолини йўққа чиқаришини таъкидлади.

Ислом Каримов билан Сапармурод Ниёзов ўртасида бўлиб ўтган музокарада кўплаб масалалар юзасидан фикр алмашилди. Икки мамлакат ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорлик, қатор минтақавий ташкилотлар ва МДҲ доирасидаги муносабатлар масалаларидан ташқари, Орол муаммосига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бу бежиз эмас, албатта. Мазкур офатнинг жабрини айнан мана шу икки давлат кўпроқ тортаётир. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ҳамда Туркманистоннинг шимолий ҳудуди аҳолисининг Орол денгизи қуришидан чекаётган азиятини, Президентимиз таъбири билан айтганда, фақат шу ерда яшабгина билиш мумкин. Бу офат фақат табиатнинг бузилишига олиб келмай, миллатнинг генофондига ҳам жиддий зарар етказаётгани янада ташвишланарлидир.

Ислом Каримов БМТ минбаридан туриб, жаҳон ҳамжамиятини бир неча бор Орол муаммосига жиддий эътибор қаратишга чақирганди. Жумладан, давлатимиз раҳбари бу офатни бартараф қилиш учун БМТнинг махсус комиссиясини тузиш тўғрисида ҳам таклиф киритганди. Бироқ айни пайтда халқаро ҳамжамият бу муаммонинг кўламини тўла англаб етмаяпти. Давлатимиз раҳбари Ашхободга ташрифи чоғида бу муаммони ҳал этишга иқтисодий жиҳатдан қудратли давлатлар ва йирик молиявий ташкилотларни жалб қилиш зарурлигини яна бир бор таъкидлади. Орол қуриб битса, унинг таъсири Европа ва Америкага ҳам етиб боришини барча тушуниб етиши зарур, деди Ўзбекистон Президенти.

Сўнгги вақтларда Туркманистон Афғонистон муаммосини ҳал этиш борасидаги дипломатик фаоллигини анча оширди. Қўшнимизни бундай хатти-ҳаракатга ундаётган омилларни идрок этиш қийин эмас. Бугунги кунда Афғонистонда 20 йилдан ортиқроқ вақтдан буён давом этаётган хунрезликдан келиб чиқаётган хавф-хатар, қолаверса; Туркманистоннинг иқтисодий манфаатлари шуни талаб қилаётир.

Баъзи доираларда Туркманистоннинг афғон муаммосини ҳал қилишдаги айрим қадамлари Ўзбекистоннинг бу борадаги сиёсатига ўнчалик мос келмаётгани бот-бот такрорланяпти. Бу ерда гап Афғонистондаги урушни тўхтатишга, бу мамлакатда осойишталик ўрнатилишига олиб келиши мумкин бўлган барча саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлайди.

Ислом Каримов Афғонистон ҳудуди орқали газ ва нефть қувури ўтказилиши масаласида ҳам ўз фикрини баён қилди. Президентимиз агар бу борада халқаро лойиҳа амалга ошириладиган бўлса, Ўзбекистон томони уни қўллаб-қувватлашга тайёр эканини маълум қилди. Бу қувурларнинг қурилиши уруш тинкасини қуритган афғон халқини тинч яратувчилик ишларига йўналтиришига умид билдирди.

Мустақил тараққиёт йўлига ўтгандан буён Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасида олтмишдан ортиқ турли ҳужжатлар имзоланган. Бу ҳужжатлар икки давлат ўртасидаги ҳамкорликнинг турли соҳаларини қамраб олган бўлиб, бугунги кунда ўзаро муносабатларимизнинг барқарор ривожига хизмат қилмоқда. Ислом Каримовнинг Туркманистонга сафари эса мазкур алоқаларимиз, айниқса, транспорт коммуникацияси соҳасидаги ҳамкорлигимиз равнақига катта туртки бўлади.

■ **Анвар КАРИМОВ, ЎзА махсус мухбири**
ТОШКЕНТ — АШХОБОД — ТОШКЕНТ
Суратда: ташриф пайти.

■ **Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат**

JICA ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) вице-президенти Х.Месаки бошчилигидаги делегация 22 сентябрь куни Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига ташриф буюрди. Меҳмонлар вазир Э.Ғаниев билан учрашиб, Ўзбекистон билан JICA ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари бўйича музокара ўтказди.

JICA иқтисодий тараққиёт йўлида Марказий Осиё мамлакатларига холисона кўмак бериб келаётир. Тошкентда унинг минтақавий ваколатхонаси ишлаб турибди. JICA дастурлари доирасида мамлакатимиздаги қатор лойиҳаларни амалга ошириш учун Япония ҳукумати томонидан Ўзбекистонга 85,6 миллион АҚШ долларига тенг ҳажмда молиявий ёрдам кўрсатилган.

Музокаралар чоғида ҳамкорликнинг бугунги аҳволи кўриб чиқилиб, истиқболдаги режалар юзасидан фикр алмашилди.

Япониялик меҳмонлар шу куни Халқаро бизнес марказида ҳам бўлди. Яқин кунларда бу ерда кўплаб дунёга машҳур фирма ва компаниялар ваколатхоналари қаторида, Ўзбекистон — Япония маркази ҳам иш бошлайди.

■ **(ЎзА)**

Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро тиббиёт институтида шарқ табобати кафедраси очилди. ЮНЕСКО ҳомийлик қилаётган бу кафедра халқ табобати анъаналарини ривожлантирган

ЮНЕСКО ҲАМКОРЛИГИДА

ҳолда ҳозирги замон тиббиёти тараққиётига муносиб ҳиссасини қўшади. Бу марказ жаҳоннинг ўнлаб мамлакатларидаги тиббий марказлар билан алоқа ўрнатганлиги, айниқса, диққатга сазовордир.

Яқин йиллар ичида бу кафедра воҳа доривор ўсимликларини ўрганиш, уларни кўпайтириш борасида ўз хулосаларини беради ва айни чоғда халқ табобатчилигидаги тажрибаларни ягона илмий-амалий мақсад йўлида бирлаштириш ишларини олиб боради.

■ **Даврон БАҲРОНОВ**

ЎҚУВЧИЛАР ҚУВОНЧИ

Янги ўқув йилини минг-минглаб сурхондарёлик ўқувчилар янги ўқув масканларида бошлашди. Шарғун шаҳрида ҳам 450 ўринга мўлжалланган янги касб-ҳунар коллежи ўқувчиларни ўз бағрига олди. 309 миллион сўм маблағ сарфланган ушбу коллеж 8 ойда замонавий қилиб бунёд этилди. Футбол, волейбол майдончалари, сузиш ҳавзаси ўғил-қизлар ихтиёрида.

■ **Абдумалик ҲАЙДАРОВ**

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

«ЖЕЙ-ДИ-ЭЙ» ЛОЙИҲАСИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида АҚШнинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жозеф Пресел ҳамда ушбу мамлакатнинг «Жей-Ди-Эй» нодавлат ташкилоти ижрочи директори Роберт Ҳедлунд иштирокида, Қорақалпоғистоннинг қатор туманларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш дастурини молиялаштириш борасидаги битимни имзолаш маросими ҳамда бу воқеага бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ҳужжатда ёзилишича, АҚШ ҳукумати «Жей-Ди-Эй»га ўз захира жамғармасидан 25 минг доллар ажратади. Мазкур маблағ мамлакатимизда бу йил рўй берган қурғоқчиликдан зарар кўрган ҳудудларни, хусусан, Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ туманидаги овулларни сув билан таъминлашга сарфланади. «Жей-Ди-Эй» лойиҳасига кўра, Қорақалпоғистоннинг қатор туманларида ер ости сувларини тортиб олувчи қўл насослари ҳамда сув тозалаш ускуналари ўрнатилади.

Айни кунларда Қорақалпоғистонда Жаҳон банки, Германия, Швейцария, Франциянинг қатор молиявий муассасалари иштирок этаётган умумий қиймати 110 миллион АҚШ долларига тенг бўлган дастур амалга оширилмоқда. Унга кўра, республикадаги сув қувурлари ҳамда сув тозалаш ускуналари қайта таъмирланади ё, зарур ҳолларда янгиланади.

САМАРАЛИ МУЗОКАРАЛАР

Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган алоқа индустрияси вазири Ўринбосари Чжан Чуньцзян бошчилигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида музокара ўтказди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги алоқалар улкан тарихга эга эканлиги ва ҳозирги кунда ҳам мамлакатларимиз бир-бири учун муҳим стратегик ҳамкор ҳисобланиши таъкидлаб ўтилди. Шунингдек, ҳамкорлик жадал ривожланаётганига қарамай, ўзаро савдо-сотиқ ҳажмининг кўрсаткичи мамлакатларимизнинг имконият ва салоҳиятига мос эмаслиги ҳам айтилди. Маълум бўлишича, ҳозирги кунда Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги савдо алоқаларининг асоси деярли хомашё ҳамда кенг халқ истеъмоли молларидан иборат бўлиб қолмоқда.

Хитой делегацияси вакиллари Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитасида ҳам бўлиб, мамлакатимизда янги технологиялар ишлаб чиқариш ва ҳаётга татбиқ қилиш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

БОШ ВАЗИР БИЛАН УЧРАШУВ

АҚШ Президенти Билл Клинтон Италия Бош вазири Жулиано Амато билан музокара ўтказди. Оқ уй матбуот хизмати раҳбари Жозеф Локҳартнинг журналистларга маълум қилишича, учрашувда Югославияда бўладиган президент ҳамда парламент сайловлари, Болқон минтақаси, шунингдек, Ливия ва Ироқдаги вазият билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

ҲАМКОРЛИККА ЧАҚИРДИ

Шимолий Корея ҳукумати Европанинг бир неча давлатларига мурожаат қилиб, дипломатия муносабатлари ўрнатишга чақирди. Мамлакат ташқи ишлар вазирлиги маълумотига қараганда, Бельгия, Франция, Германия, Греция, Ирландия, Люксембург, Нидерландия, Испания ҳамда Буюк Британияга шундай мазмунда мактуб йўлланган. Унда таъкидланишича, КХДР билан ушбу давлатлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик қарор топиши нафақат тараққиётга, балки Жануби-шарқий Осиё минтақаси, умуман бутун дунёда тинчлик ва барқарорлик янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

ОЛМОС САВДОСИ МУАММОЛАРИ

Жанубий Африка Республикасида олмос савдоси муаммоларига бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди. Унда АҚШ, Россия, Буюк Британия, Ангола ва бошқа давлатлардан вакиллар иштирок этди. Тадбир иштирокчилари олмос қазиб олиш соҳасига замонавий технологиялар жалб қилиш ва унинг жаҳон бозоридаги савдосини тартибга солиш масалаларини муҳокама қилди. Анжуманда Африка мамлакатларидаги қуролли гуруҳларнинг олмос савдоси билан шуғулланишига йўл қўймаслик лозимлиги таъкидланди.

■ **(ЎзА)**

ЛИЦЕЙИМ

Илм булоғи бу, илм бўстони,
Баркамол авлодлар—сенинг юрагинг.
Олдинда кутмоқда ҳаёт довони,
Забт этмоқлик эрур менинг тилагим.

Сенда билим олдим, яшнагин ҳар дам,
Сен билан биргадир доим бахт-омад.
Ташлагин келажак учун зўр қадам,
Доимо ёр бўлсин шу олий мақсад.

Ҳур Ватан, истиқлол кулган бу фурсат,
Фидойи бўламиз она-юрт учун.
Мукаммал билимлар оламиз ҳар вақт,
Гўзал Ватанимни куйлаймиз ҳар кун.

■ **Элёр ҚОБИЛОВ,**
Фарғона академик лицейи ўқувчиси

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

«ҚАРОРНИ КИМ БАЖАРАДИ?»

Самарқанд вилоят ҳокимлиги «Ўзбекистон овози» газетасининг 2000 йилнинг 8 июль сонида чоп этилган «Қарорни ким бажаради?» сарлавҳали мақолани атрофлича ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилади.

Дарҳақиқат, мақолада кўрсатилган камчиликлар афсуски, вилоятнинг айрим бозорларида мавжуд бўлиб, бу борада вилоят ҳокимлигида тегишли ташкилотлар иштирокида ўтказилган йиғилишда бу масалани мумкин қадар тезроқ ҳал этиш вазифаси қўйилиб, вилоят бозорлари раҳбарлари ва вилоят ветеринария бошқармасига топшириқлар берилди.

Натижада, жойлардаги мол сўйилиши зарур бўлган кўпчилик бозорларда кушхоналар ташкил қилинди.

Аммо баъзи туман марказий бозорларида ва шаҳар бозорларида жой танқислиги учун кушхоналар мавжуд эмаслиги, бу масала олдиндан ташкил этилмаганлиги туфайли моллар уй шароитида сўйилиб, гўштлар тайёр ҳолда келтирилиб сотилмоқда.

Ушбу олиб келинаётган гўштларнинг сифатини текшириб, бозорларда сотилишини таъминлаш мақсадида ҳар бир бозорда ветлаборатория хоналари ташкил этилган, имконият мавжуд бозорларда кушхоналар ҳам ташкил этилиши режалаштирилган бўлиб, бу ишлар тез орада ўз якунини топади.

Бундан ташқари, вилоят ҳокимлиги бошчилигида вилоят ветеринария бошқармаси ва вилоят деҳқон ва буюм бозорлари уюшмаси гўшт маҳсулотлари сотиладиган бозорлардаги ветлабораторияларга мумкин қадар яхши шароитлар яратиб бериш ва уларнинг фаолиятини ривожлантиришни режалаштириб олишган.

■ **Вилоят ҳокимининг ўринбосари**
А. ТЎХТАМУРОДОВ

Бизнинг жамиятимизда матбуотга давлат миқёсида катта аҳамият бериляпти. Эсингизда бўлса, шу йилнинг 13 апрелида «Даврий матбуотни тарқатувчи корхоналарни қўллаб- қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Вазирлар Маҳкамасининг қарори чиқди. Бу ҳужжатда нашрларимизни ўз вақтида вилоятларга етказиш хусусида аниқ-тиниқ кўрсатиб ўтилган эди. Шундан кўринадики, республика нашрларининг кенг омма ичида кўнгилдагидай тарқалиши ҳукуматимиз раҳбарияти диққат марказида.

Лекин, кеча ғалати воқеанинг гувоҳи бўлдик. Қўлимиздаги фактларга суянсак, «Самарқанд почтаси» акциядорлик компаниясининг «тадбиркор»лиги, «устамон»лиги Ҳозир обуна мавсуми. Ҳар бир нашр ўзига қайишадиган ташкилотни хуш кўради. Лекин газетхон ҳам анойи эмас. Ўзи севган нашрни ўқийди. «Пулим кетган пиёзим» дейдиган замонлар ўтди.

боис газетамизнинг нархи 4728 сўм қимматлашадиган бўлди. Вилоятдаги мазкур ташкилотнинг уялмай-нетмай обуначига битта газета устига шунча пул қўйиб, газетанинг бир нусхаси, йиллик нархи фаси» акциядорлик компанияси обуначига газетамизнинг йиллик нархини 13464 сўмга чиқарибди.

Ўғри бўл, инсофли бўл, деган гап бор, ахир. Вилоятдаги ушбу корхона раҳбари Аминжон Ғофуров обуначини ҳисобни билмаган анойи деб

ЛУҚМА

УСТАМОНЛИК...МИ?

йиллик обуна нархи, барча харажатлар ҳисобга олинган ҳолда каталог баҳоси 8736 сўм қилиб белгиланган. Бу харажатларга таҳририят таннархи, «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни ва «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг даврий нашрларни ташишга тегишли сарф-харажати киради.

Энди Самарқандаги аҳволни кўринг. «Самарқанд почтаўйладимикин?!

Ҳар бир нашрда обуна нархи пасайса, табиийки газетхонлар сони кўпаяди. Самарқанддаги мутасаддилар эса бу ҳақиқатни тан олишмаяпти чоғи ёки улар бошқа бир мақсадни кўзлашаяптими? Бу жумбоқни «Ўзбекистон почтаси» Давлат акциядорлик компанияси ечади, деган умиддамиз.

■ **Қўчқор НОРҚОБИЛ**

ХХІ АСР — АХБОРОТ, ФИКР, ТАФАККУР АСРИ!
«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» — АХБОРОТ, ФИКР, ТАФАККУР ТАРАФДОРИ!
«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ОБУНА БЎЛИНГ!

НАШРЛАРИМИЗ ИНДЕКСИ:
«Ўзбекистон овози» — 220
«Голос Узбекистана» — 121
«Осиё бозори» — 174

ТАРАККИЁТ

ТАФАККУР ТАРОЗУСИ

ТЎҒРИСИДА ЎЙЛАР

Бамисоли Баҳри уммондай биз узоқ йиллар мобайнида соҳилга урилиб, орқага қайтиб яшадик. Бироқ бу чекиниш йўллари биз учун аччиқ дарс, сабоқ даври бўлиб хизмат қилди, куч-қувват йиғдик ва ниҳоят мудраган онгимизни такрор отган тонг ёритди, уйғотди...

Ҳа, бугун биз уйғондик, теварак-атрофга синчков назар ташладик. Теран тафаккур оғушига отилдик. Ҳа, бизда бир вақтлар дунёни лол қолдирган тафаккур тарзи сусайиб, доираси кичрайиб, чекланиб, саёз бўлиб қолган эди. Эндиликда тафаккур тарозуси шайини яна биз сари ён боса бошлади...

Илм-фанга дахлдор киши сифатида маънавий-маърифий тараққиёт тўғрисида фикр юритмоқчиман. Бу ўринда биринчи навбатда табиий тарзда жиддий савол туғилади: жамият хусусида гапирар эканмиз, жамиятимизда Берунийлар, Ибн Синолар, ал-Хоразмийлар сингари тафаккур тўлқини такрорланадими? Ҳозирги кун тартибида кўндаланг бўлиб турган бу ўта жиддий ва муҳим саволга жавоб бериш олдидан бир воқеий ҳикояни, бўлиб ўтган ҳангомани эслашни лозим топаман.

... Кунлардан бир кун Тошкентнинг Сирғали мавзеси сари йўлга чиқдим. Троллейбусда кетардим. Ёнимда оппоқ соқолли, барваста гавдали, нуроний сиймо турарди. Салом бериб, ёнимда етарли ўрин бўлсада, силжиб, кўпроқ жой бўшатдим. Чол менга синчиклаб, синовчан кўзларини тикиб, назар ташлади-да, хижолат қилмаслик учун бўлса керак, нигоҳини бошқа ёққа бурди. Мен ҳам, чол ҳам жим кетар эдик, теварак-атрофни томоша қилардик. Лекин жимлик узоққа бормади.

— Сирғали каттагина шаҳар бўлиб қолди, — деди ота менга бурилиб. — Эсимда, кечагина яланг дала эди. Тошканни демайсизми, Тошканни. Таниб бўлмас даражада.

Мен отанинг фикрини тасдиқладим.

— Мана бунақа ишлар яхши-ю, лекин кўп нарсаларни тушунолмайман, — яна синчков кўзларини менга тикди чол. Эҳтимол, бирор савол берилишини кутгандир. Мен ҳеч нима демай, жим кетавердим. Шундан сўнг нимани тушуна олмаётганини ўзи аён эта бошлади. — Қимматбаҳо, ҳашаматли лицей ва коллеж бинолари керакмикан?! Бор мактаб биноларини таъмирлаб, уларга берса бўлмасмикан?! Харажат катта, ўзини оқлармикан?!

Отанинг кўнглида кири йўқлиги, сидқидиллиги сезилиб турарди. У ўз халқи, ўз юртининг фарзандлари тақдири тўғрисида куйиниб-ачиниб гапирувчи меҳрибон отани эслатарди. Лекин қанча меҳрибон, қанча куювчан бўлса-да, узоқни кўролмаётгани кўзга яққол ташланиб турарди. Мен ота билан тортишиб ўтирмадим. Ётиғи билан масаланинг асл моҳиятини тушунтиришга тўғри келди.

— Ёшингиз менинг ёшимдан улуғ кўринади, — дедим мен ниҳоят гапга аралашиб. — Ота-боболаримизнинг «Туяга миниб, узоқни кўзла!», деган ҳикматли сўзини мендан кўра яхшироқ билсангиз керак. Юртимизнинг яқин ўтмишда ўтган ҳукмдорларининг тарихий хатоси ҳам шунда, яъни туяга миниб, узоқни кўзламаганида эмасмикан?! Ихтиёрларида беҳисоб хазиналар туриб, улар дунёвий илмлар берувчи мактаблар очмадилар, болаларни илғорлашиб кетган Оврупа мамлакатларида ўқитиш хусусида бош қотирмадилар. Ўз қобиғимизга беркиниб, ўраниб қолдик. Ҳозирги замон илмларидан, фантехника ривожидан маҳрум бўлиб, орқада қолдик.

Ўзингиз ўйлаб кўринг: Бухоро, Хўқанд, Хива хонликлари хазиналарида қанчадан қанча қимматбаҳо олтину жавоҳирлар тўпланган эди. Қаёққа кетди улар, кимларнинг қўлига бориб тушди? Бу ҳол ҳеч қачон кечириб бўлмас хато сифатида тарих саҳифаларида қаро доғ янглиғ муҳрланиб қолди. Халқимизнинг асл фарзандлари, донишмандлари, масалан, жонқуяр, фидокор жадидлар бу хатони тушундилар. Аммо энди кеч бўлган эди. Ҳа, улар давридаги тутқунлик тизими ушбу хатони тузатишга йўл бермасди. Нақадар фидойилик, жонкуярлик, жонбозлик кўрсатсалар-да, қўлларида эрку иродалари, моддий бойликлари бўлмагач, янги таълим-тарбия тизимини яратишдек эзгу ниятларига, муроду мақсадларига ета олмадилар...

Ота-боболаримиздан бир ҳикмат қолганки, уни биздан кўра қариялар яхшироқ билишади: Эркинг ўз ихтиёрингда бўлсин. Майли, бошингда тегирмон тоши айлансин! Бу ҳикмат кейинги мустақиллик йилларида фикру зикримиздан нари кетмади. Худога минг қатла шукроналар айтмоғимиз керакки, эркимиз эндиликда ўз қўлимизда. Бойликларимиз ҳам ўз қўлимизда. Улардан қандай қилиб фойдаланиш ҳам ўз қўлимизда. Бу бойликларни нимага яратишни, қайси ёққа қаратишни ҳам ўзимиз яхши биламиз...

Ва яна «ризқу рўзингни сот, рўшнолик ол!» — деган ҳикмат ҳам бор. Рўшнолик нима? Қоронғулик ва зулматга қарши зиё, ёруғлик эмасми, маърифат эмасми?

Модомики маърифатга эришиш муддао — мақсадимиз экан, маблағни ҳам аямаслигимиз керак-да. Бу буромадимиз ўз навбатида яхшигина даромад ила қайтади. Нима эксанг, шуни ўрасан, деб ҳам айтганлар-ку ота-боболаримиз!

Қисқа сафар вақтида нуроний бир чол — пири падар ила мулоқот менда шундай мулоҳазалар қўзғотди...

Асл фарзандлар ўз Ватанини чинакам севади, она тупроғини, ота тузини унутмайди. Кимки унутса, у кимса оқпадардир. Аксинча, кимки Она-юртини юракдан севса, виждони пок бўлса, йироқ юртларда ўз элини кўпроқ соғинади, қўмсайди, қадрига етади.

Биз ўз ўтовимиз ва ўз қуршовимиз, қобиғимизда беркиниб-биқиниб яшасак, ҳолимиз не кечади? Яна ўша қолоқлик ва ночорлик ботқоғига ботиб қолмаймизми?! Йўқ, биз «Инсоният» деб аталган ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзосимиз. Биз дунёнинг барча халқлари билан ҳамоҳанг яшаймиз, бирга нафас оламиз. Модомики шундай экан, уларнинг тараққиёт даражаларидан ҳамиша хабардор бўлиб, улар ила сафма-саф олға қадам ташлаб боришимиз керак.

Муҳтарам Президентимиз «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» деганларида битмас-туганмас ер ости ва ер усти бойликларимиз, меҳнатсевар халқимизнинг беқиёс ғайрат-шижоати, фидойилиги билан бир қаторда ўзбек олимларининг бўлажак буюк кашфиётларини ҳам кўзда тутганлар, албатта.

Яна бир бор шукроналар бўлсинким, мана бугунга келиб, асрий аросат ва ғафлат уйқусидан уйғондик. Қадимий олтин даврлар ва асрлардаги бахтимиз, қут-барака боз хонадонларимизга қайтиб келди. Жаҳон бизни таниди, тан олди. Такрор айтаманки, тафаккур тарозуси палласи боз биз томон бурилди. Давлатимиз ҳали ёш бўлишига қарамай, жаҳон миқёсидаги илмий анжуманлар, симпозиумлар ўзбек диёрида бўлиб ўтмоқда...

Мана, куни кеча дунёдаги энг йирик дин аҳллари йиғилиб, ўз муаммолари хусусида Тошкентда фикр алмашдилар. Ҳозирги замоннинг энг маданий ўйинларидан бири теннис бўйича Президентимиз кубоги учун халқаро мусобақалар бўлиб ўтди. Бундай мусобақалар Ўзбекистон пойтахтида ўтиши анъана бўлиб қолди. Яқин орада дунёнинг энг ғарбий бурчаги Лондонда ўзбек миллий кураши бўйича Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов номи ила аталган халқаро мусобақа бўлади. Бу мисолларда қанчалик теран маъно ва мазмун бор. Ўйлаб, фикру зикр қилайлик: Ахир, ўзбек миллий кураши дунё миқёсидаги илмий анжуманлар, симпозиумлар ўзбек диёрида бўлиб ўтмоқда...

Мана, куни кеча дунёдаги энг йирик дин аҳллари йиғилиб, ўз муаммолари хусусида Тошкентда фикр алмашдилар. Ҳозирги замоннинг энг маданий ўйинларидан бири теннис бўйича Президентимиз кубоги учун халқаро мусобақалар бўлиб ўтди. Бундай мусобақалар Ўзбекистон пойтахтида ўтиши анъана бўлиб қолди. Яқин орада дунёнинг энг ғарбий бурчаги Лондонда ўзбек миллий кураши бўйича Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов номи ила аталган халқаро мусобақа бўлади. Бу мисолларда қанчалик теран маъно ва мазмун бор. Ўйлаб, фикру зикр қилайлик: Ахир, ўзбек миллий кураши дунё миқёсидаги илмий анжуманлар, симпозиумлар ўзбек диёрида бўлиб ўтмоқда...

Инсониятнинг азалий ва ашаддий душмани бўлган гиёҳвандликка қарши кураш бўйича халқаро анжуманнинг ҳам Ўзбекистонда ўтиши муҳим аҳамият касб этади. Чунки одамзот уруғини айнитиб, куритишга зомин бўлғувчи бу машъум иллатга қарши Ўзбекистонда қақшатқич зарба берилиб келинмоқда. Бу ҳол, айниқса, биз ўзбекларга тушунарлидир: Эрамиздан олдин Эрон шоҳи Доро Туронзаминга бостириб кирганида аскарларига: «Одамларни кўплаб қирманглар, уларни гиёҳвандликка ўргатинглар. Менга иродасиз ва итоаткор қуллар керак» деб буйруқ берган тарих саҳифаларидан бизга маълум. Ўзбекистонда соғлом авлодни тарбиялаб етиштириш борасида олиб борилаётган эзгу ишлар нақадар зарурлиги бу ўринда янаям равшанлашади. Буни ҳисобга олиб, университетимиз ёнида «Оташюраклар» клубини ташкил қилганмизки, унда тарбияланувчилар донишманд ва довюрак ота-боболаримизнинг хислат ва фазилатларини ўзларида мужассамлаштириб, она-Ватанга садоқат билан хизмат қиладилар, деган яхши ниятдамиз.

Тафаккур тарозуси шайини биз томон бурилаётганининг далилларидан бири Буюк Ипак йўлининг тикланишидир. Бу ҳақда шунинг учун алоҳида тўхталиб ўтмоқ жоизки, инсоният тарихида ғоят муҳим роль ўйнаган, қитъаларни бирлаштирган улкан ва қутлуғ кўприкни тиклаш масаласида ҳам ўзбек халқининг раҳнамоси Ислом Каримов бош ташаббускор бўлиб чиқди. Ҳадемай, ушбу биродарлик, бахт-омонлик ва фаровонлик келтирувчи йўлда илк карвонлар қатнай бошлайди.

Аминмизки, бу йўлдан биринчилар қаторида Ўзбекистон карвонлари ўтади.

■ **Комил МУҚИМОВ,**
Бухоро давлат университети ректори, академик

МИЛЛАТ ВА МАЪНАВИЯТ

ПАРТИЯ ҲОМИЙЛИГИДА

Ўзбекистон ХДП Беруний туман кенгаши кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг ўғил-қизларини бепул дарсликлар билан таъминлашдаги хизматларини жамоатчилик қўллаб-қувватламоқда. 59, 64-сон ўрта мактабларнинг 6,7-синф ўқувчиларидан кам таъминланган оилаларнинг 25 нафар ўқувчисига 20 минг сўмдан кўпроқ пулга дарсликлар топширилди. Туман партия кенгаши биринчи котиби Йўлдошбой Насруллаев китобларни ўқувчиларга топширар экан, уларга ҳар жиҳатдан баркамол бўлиб етишишига муваффақиятлар тилади.

■ **Рейимбой ЕШИМБЕТОВ**

ТОШБАҚА ВАЛЮТАГА СОТИЛАДИ

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг «Нефтчи» ўрмон хўжалигида чўл жониворларини кўпайтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Шу боис уч йилдан буён бу ерда тошбақалар сони кўпайиб кетди. Ана шу тошбақаларга хориждан харидор топилди. Жумладан, Россияда тошбақа гўшти жуда тансиқ ҳисобланиб, уч ёшли ва ундан катталари учун 50 долларгача тўлашаркан. Ҳозир тошбақалардан мингтаси экспорт қилиш учун тахт. Республика табиатни муҳофаза қилиш қўмитасидан тегишли лицензия олингач, тошбақалар буюртмачиларга жўнатилаверилади.

■ **Ўз мухбиримиз**

Давлатимиз ёшларни жаҳоннинг нуфузли олийгоҳларида таълим олишларига кенг имкониятлар яратиб бермоқда. Яқинда Банк-молия академияси тингловчилари Маастрхс шаҳрида малака ошириб қайтишди. Жаҳон молия тизими янгиликларидан лекциялар ўқиган доктор Альнамаки жаноблари ёшларимиз билим савиясига юқори баҳо берди.

■ Владимир ПАНОВ олган суратлар

ЖАМИЯТДА АЁЛНИНГ ЎРНИ

Самарқанд шаҳридаги «Тадбиркор аёл» уюшмасида «Жиззах, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари ижтимоий-иқтисодий тараққиётида нодавлат ташкилотларнинг ўрни» мавзусида минтақавий анжуман ўтказилди.

— Самарқанд вилояти хотин-қизлар ташкилотлари томонидан амалга оширилган ишлар билан танишар эканман,—дейди анжуман иштирокчиси, АҚШ халқаро тараққиёт агентлиги ва Винрок Интернейшнл лойиҳасининг директори жаноб Нед Калб, — Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларда аёлларнинг ҳиссаси салмоқли бўлаётганининг гувоҳи бўлдим.

Анжуманда бугунги кунда республикамизнинг барча вилоятларида нодавлат хотин-қизлар ташкилотлари, «Сабр» ишонч марказлари ҳамда «Тадбиркор аёл» уюшмалари фаолият кўрсатаётгани, ушбу нодавлат, тижорат ташкилотлари зиммаларидаги вазифаларни бажариш йўлида хизмат қилишаётгани таъкидланди.

■ **«Туркистон-пресс»**

«ВАТАН ФИДОЙИЛАРИ»

Инсон икки нарсани — Ватан ва ота-онани танлаш ҳуқуқига эга эмас. Бир Ватан ва халққа мансублик эса кишига умр бўйи масъулият юклаб бораверади. Бу иккисини ҳар қандай ёвуз кучдан ҳимоя қилиш — шу Ватан фарзанди, шу халқ вакили бўлган ҳар бир йигит учун муқаддас бурч, шарафли вазифа.

Мамлакатимиз жанубий чегараларига суқулиб кирмоқчи бўлган халқаро террорчи газандаларга қарши курашда Маҳмуджон, Алишер, Ғафуржон, Бобуржон, Сайёр, Маъруфжон, Эломон, Абдуҳалим, Юнус, Улуғбек, Дониёр, Қаҳрамон исмли ёш-ёш навқирон йигитларимиз ана шу муқаддас бурч, шарафли вазифани садоқат билан бажариб, қаҳрамонларча ҳалок бўлдилар.

Улар ким, қандай кишиларнинг фарзанди, бундай фидойи фарзандларни ким тарбиялаган ва улар қандай жасорат кўрсатганлар? Буни бугун ўзини ўзбекистонликман деган ҳар бир фуқаро билиши, ёдда тутиши керак. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирлари томонидан ёзилган «Ватан фидойилари» китобчасида ана шу баҳодир ўғлонларимиз қаҳрамонликлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Она-ватан ҳимояси, юртимизнинг тинчлиги йўлида ўз жонини фидо этган қаҳрамонларнинг мислсиз жасорати ҳақида ҳали кўплаб асарлар ёзилажак. Зеро, уларнинг номлари барчамиз учун мардлик ва жасурлик, фахру ғурур тимсоли бўлиб қолади.

Китобча республика Маънавият ва маърифат кенгаши ташаббуси билан «Маънавият» нашриёти томонидан Ўзбекистон Фан ва техника давлат қўмитаси ҳомийлигида чоп этилди.

■ **(ЎзА)**

ЮЗМА-ЮЗ

ОВОЗ ЖАРАНГЛАБ ТУРСИН

ЎзХДП нашрларини Наманган вилоятида ҳам жуда қадрлашади. Айниқса, «Ўзбекистон овози», вилоят кенгашининг «Халқ иродаси» газеталари ва «Мулоқот» журналининг мухлислари кўп.

— «Ўзбекистон овози»ни ҳар сафар синчиклаб ўқийман, — дейди наманганлик тарихчи олим Бахтиёр Исҳоқов. — Ўзбекнинг овози жаранглаб туради-да.

— Республикамиздаги тўнғич нашрлардан бири «Ўзбекистон овози»да мақолалар таъсирчан, пишиқ-пухта ҳолатда чоп этилади. Тушунарли тилда очиқ-ойдин халқбоп сўзда ёзилган мақолалар кишилар диққатини тортади.

...Муносабатлар жуда кўп. Ишқилиб шукур, нашрларимиз кўпнинг қалбидан жой олган. Яқинда Наманган шаҳрида бўлиб ўтган партия матбуоти анжуманини юқоридаги гапларимиз айни ҳақиқат эканини яна бир бор тасдиқлади.

Наманган шаҳар партия кенгаши биринчи котиби Мунавархон Шарипова кириш сўзида айтганидек, барча нашрлар қатори партия матбуотига ҳам Наманганда ўзгача иштиёқ, эҳтиёж бор.

Ўзбекистон халқ шоири, Олий Мажлис депутати «Маънавият ва маърифат» вилоят кенгаши раиси Ҳабиб Саъдулла отахон газетада ишлаган чоғларини, мўътабар устозларини эслади. Нашрларнинг бугунги қиёфасини тилга олди. Истаклар айтди.

500 дан ортиқ киши меҳнат қиладиган «Наманган-текстиль» ҳиссадорлик жамияти бошланғич партия ташкилоти котибаси Мадинахон Тўхтабоева, шаҳар халқ маълими бўлими бошлиғи вазифасини бажараётган Маматвали Турғунов, «Нотўқимачи» ҳиссадорлик жамиятидан Назирахон Маларнинг ишончли ташвиқотчиси бўлиб қолишига умид билдирдилар. Ўз таклифларини ўртага ташладилар.

Юртимизда қайси йиғин хурсандчиликларсиз, шеърхонлигу ўйин-кулгусиз ўтган. Матбуот байрами ҳам мушоира билан қизиди. А. Навоий номидаги Наманган вилоят театр санъаткорлари юртни, халқимизни улуғлаб қўшиқлар куйладилар.

ЎзХДП Марказий Кенгаши котиби Аслиддин Рустамов, вилоят ҳокимининг ўринбосари А. Луқмонов, Наманган вилоят партия кенгаши иккинчи котиби Орифжон Охуновлар матбуотнинг жамиятимиз равнақидаги беқиёс ўрни хусусида сўзладилар.

Матбуот байрами яна бир тантанага уланди. Атрофга оқшом чўкканда Наманган шаҳрини рангоранг чироқлар бежирим ёритганди. Давлатобод туманида касб-ҳунар колежининг очилиш маросими бўлди. Вилоят ҳокими, Олий Мажлис депутати Тўлқин Жабборов ва «Ўзбекистон овози», «Голос Узбекистана» газеталарининг Бош муҳаррири Азим Суюн меҳмону мезбонлар иштирокида ҳарир лентани қирқдилар. Замонавий услубдаги, барча қулайликларга эга коллеж эшиклари ёшлар учун очилди.

Матбуот кунлари, шунингдек, Тўрақўрғон, Косонсой, Уйчи, Янгиқўрғон, Чортоқ туманларида ҳам дилкаш ва мазмунли ўтди.

■ **Алимқул СУЛТОНОВ, Маҳмуджон ПАРПИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари**

ОБУНА — 2001

ЯХШИ НАШРНИ ХАЛҚНИНГ ЎЗИ ТАНЛАЙДИ

«Оҳангароншифер» ҳиссадорлик жамияти раиси Тўлаган Ойнақулов

— Бугунги сиёсий-ижтимоий жараён, теварак-атрофимизда бўлаётган воқеа-ҳодисалар, кундалик турмуш тарзимизда юз бераётган янгиликлар ва уларга нисбатан теран муносабат, матбуотда ўз аксини топиши муқаррар ва шундай бўляпти ҳам. Матбуот — жамиятнинг кўзгуси деган гап тўғри. Журналистлар эса кўзгуни кўтарган инсонлардир.

Республикамиздаги йирик нашрлар қаторида «Ўзбекистон овози»ни ҳам ҳар бир сонини мутолаа қилиб бораман. Менга газетангизнинг дадиллиги, камчиликларни рўй-рост кўрсатиши, мавзулар ранг-баранглиги ёқади. Содда қилиб айтсам, воқеаларга аниқ-тиниқ, тушунарли тилда ёндашасизлар.

Айниқса, истиқлолимиз моҳияти, озодликнинг халқимиз учун нечоғлик қадрли эканлиги ҳақида чин дилдан, оммабоп қилиб мунтазам мақолалар чоп этилади. Бундан ташқари юртимиз тупроғини топтамоқчи бўлиб чегараларимизни босиб ўтган ғанимларнинг асл башараси, мақсади, ғаразли фикри ҳақида етарлича хулосага эга бўлган мақолаларни ўқиб жуда мамнун бўлдим. Терроризмга нисбатан халқимиз нафрати, ғазаби ҳам газетангиз саҳифасида бот-бот босилиб турибди. Биз жамоамиз билан йиғинларимизда ишчиларимизга тушунтириш ишлари олиб борищда «Ўзбекистон овози»дан қўлланма сифатида фойдаланамиз.

Яна бир гап. Ҳар қандай ссҳда сифатга аҳамият берилади. Агар халқбоп, оммабоп маҳсулот ишлаб чиқарсак, кишилар биздан миннатдор бўладилар. Биз ўз жамоамиз билан кишиларимиз учун зарур ва уларнинг талаб-эҳтиёжларига мос қурилиш материаллари ишлаб чиқарсак, халқнинг олдида юзимиз ёруғ бўлади. Биз ўз ютуқларимиз билан мақтанмаймиз. Чунки, асосий баҳони халқ беради. Шунга кўра юртимизда, Ватанимиз тараққиётидаги ўрнимизни белгилаб оламиз. Энди республикамизда чоп этилаётган нашрлар хусусида ҳам шундай фикр айтиш тўғри бўларди. Чунки, ўқувчи газетага бепул обуна бўлмайди, газет дўконидан ҳам тенгинга сотиб олмайди. Шундай экан, савияси баланд, жасоратли нашрларга эҳтиёж сезилаверади. Мен «Ўзбекистон овози»ни ўз ўрнига эга. қамрови кенг, барча соҳаларни обдон ёритадиган, маънавий озуқа берадиган, қолаверса, миллий истиқлолимиз, миллий мафкурамиз равнақи учун беқиёс хизмат қилаётган газета деб биламан. Шу боиски, жамоамиз билан келишиб энг аввало «Ўзбекистон овози» учун 100 нусхада йиллик обуна бўлишга қарор қилдик. Бундан ташқари республикамиз иқтисодиётида муҳим аҳамиятга молик корхонамиз аҳли газетангиз жамоаси билан маънавий-маърифий мавзуларда учрашувлар ўтказиб боришнинг йиллик режасини тузди. Байрамлар, ижтимоий мавзудаги йиғинларимизда «Ўзбекистон овози» газетасининг ходимлари билан юзма-юз бўлиш, уларнинг жамоамиз миқёсида ўтказилаётган анжуманларда иштирок этишидан мамнун бўламиз.

■ **Хуршида НАЗАРОВА ёзиб олди.**

TV

ДУШАНБА 25

1 TV

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.45 «Таҳлилнома».
8.45 ТВ-маркет.
8.50 Лирик тароналар.
9.10 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Мингбулоқ мамлакати».
9.20 ТВ-метео.
9.30 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
10.30 Кундузги сеанс: «Фил йўқолди». Бадиий фильм.
11.35 Ўзбекистон телерадиокомпанияси хор жамоасининг концерти.
12.05 2000 йил — Соғлом авлод йили. «Соғлом авлод — бу бизнинг келажагимиз».
12.35 ТВ-1 намойиш этади: Телеанонс.
12.50 «Оталар чойхонаси». Мусиқий-дам олиш дастури.
13.50 ТВ-метео.
14.10 «Изтироб». Теленовелла.
14.45 ТВ-клип.
14.55 «Буюк келажак ёшлар қўлида».
15.45 «Мутлақ устунлик билан». Бадиий фильм.
17.00 II Халқаро симфоник мусиқа фестивали кундалиги.
17.20 ТВ-анонс.
17.30 «Ёнғоқ новдаси». Мультфильм.
17.55 ТВ-маркет.
18.10 Болалар учун. «Ҳикматлар хазинаси».
18.25 ТВ-патрул.
18.35 «Тафсилот».
18.50 «Бахтли воқеа».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қўшиқ-ла ҳаёт гўзал». Мусиқий дастур.

«Спорт» дастури:
21.25 XXVII Ёзги Олимпиада ўйинларида.
21.40 Каратэ бўйича Ўзбекистон кубоги.
22.10 «Футбол шарҳи».
22.25 «Экспедиция». Телесериал премьераси. 18-қисм.
23.15 «Ахборот».
23.50 «Маънавият» дастури.
00.15 «Фалокат оёқ остида». Бадиий фильм.
1.45—1.50 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR

9.00 «Давр тонги».
10.00 Кўрсатувлар дастури.
10.05 «Янги авлод» почтаси, «Уй вазифаси», «Мультомоша».
10.45 «Мусиқий лаҳзалар».
11.00 «Давр». Ҳафта ичида.
11.40 «Доктор Финли». Телесериал.
12.30 «Мусиқий лаҳзалар».
12.40 «Манзур».
13.00 Бояуддин Боймирзаев. «Дуоибад». Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат драма театрининг спектакли. 1-қисм.
14.00 «Олтин мерос».
14.15 «Саломатлик сирлари».
14.35 Бояуддин Боймирзаев. «Дуоибад». Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат драма театрининг спектакли. 2-қисм.
15.30 «Мусиқий дастур».
15.45 «Автосалтанат».
16.00 «Ал-Биширнинг орзу-армонлари». Телесериал. 14-қисм.
16.40 «Мезон».
17.00 «Мусиқий дастур».
17.15 Кўрсатувлар дастури.
17.20 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус», «Мультомоша».
17.55 «Ватан мадҳи».
18.05 «Ўзбегим кураши».
18.25 «Қишлоқдаги тенгдошим».
18.45 «Мусиқий лаҳзалар».
18.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 ТВ-анонс.
19.35 XXVII Ёзги Олимпиада ўйинлари кундалиги.
19.50 «Мусиқий лаҳзалар».
20.00 «Хандалак». Ҳажвий тележурнал.
20.20 «Ўзбектелефильм» намойиш этади. «Ўзбекистон дурдоналари» туркумидан: «Жавоҳир шаҳарлар».
20.30, 21.05, 22.30 Эълонлар.
20.35 «Аёл зоти». Телесериал. 1-қисм.
21.10 «Ёшлар овози».
21.30 «Мусиқий лаҳзалар».
21.35 «Бир ўлка-ки...»
21.55 «Иқлим».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Мусиқий лаҳзалар».
22.40 «Даллас». Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
1.10—1.15 «Тонг юлдузи».

ТК

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00, 21.00, 23.10 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.25 «Спорт-тайм».
18.45 «Экспресс» телегазетаси.
19.00, 20.30 «Табриклаймиз, кутлаймиз».
19.45 ТТВда сериал: «Қора дур доналари».
21.25 «Омад» тележурнали.
22.10 «Спрут». Телесериал.
23.35 Оҳанглар ва эълонлар.
23.40 ТТВда сериал: «Машҳур ва бадавлат одамлар».
00.25 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4 TV

РЖТ 6.30—8.00
14.00—15.45 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
•
15.45 Кўрсатувлар тартиби.
15.50 XXVII Ёзги Олимпиада ўйинлари. Австралиядан олиб кўрсатилади.
17.00 «Мультчархпалак».
17.20 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
17.30 «Бобил минораси». Телесериал.
18.40 «Мўъжазгина...»
19.00 «Мени кутгил».
19.45 «Хайрли тун кичкинтойлар!»
20.00 «Время».
20.35 «Бизнес-ревю».
20.55 «Дил изҳори».
21.40 «ТВ-4да Немис тўлқини».
22.00 «Вести».
22.30 «Дил изҳори».
23.10 «Муҳаббат тарихи». Сериал.
1.00 «Ахборот» (рус тилида).
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин».

30 канал

Соат 18.00 га қадар профилактика
18.00 Дастурнинг очилиши.
18.05 «Теле-ҳамкор».
18.35 «Сейлормун». Мультсериал.
19.00 «Қалблар қироличаси». Телесериал.
19.50 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
19.55 «Теле-ҳамкор».
20.25 «Клип-совға». Телетабрикнома.
21.25 Метеохабар.
21.30 «30-канал» кинооқшоми. «Англиялик». Ўткир сюжетли фильм (АҚШ). Бош ролда — Теренс Стамп.
23.15 «Дадажоним - майор». Ҳажвий сериал (АҚШ).
23.40 «Латифани эшитдингизми?». Ҳажвий дастур.

СЕШАНБА 26

1 TV

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ-маркет.
8.40 Марказий газеталар шарҳи.
8.55 Кино янгиликлари.
9.10 «Қуёшли юрт қўшиқлари». Мусиқий дастур.
9.30 ТВ-метео.
9.40 «Босат полвон». Мультфильм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Болалар учун. «Кўзмунчоқ».
10.25 Кундузги сеанс: «Кўчатлар». Бадиий фильм.
11.55 ТВ-клип.
12.05 «Маънавият» дастури.
12.30 «Экспедиция». Телесериал. 18-қисм.
13.20 «Шийпондаги учрашувлар». Андижон вилояти Асака тумани меҳнаткашлари ҳузурида.
14.10 ТВ-метео.
14.20 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
14.40 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
15.00 ТВ-клип.
15.05 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Машъал» (Муборак) — «Академия» (Тошкент).
15.50 «Олти жаҳонгашта». Бадиий фильм.
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
17.55 ТВ-маркет.
18.10 «Миттивойлар оиласи». Кинокўрсатув.
18.35 «Солиқ ва назорат».
18.50 «Барҳаёт сиймолар». Ботир Зокиров.
19.10 «Мулкдор».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Навоийхонлик».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ватан мадҳи». Мусиқий дастур.

«Спорт» дастури:
21.30 XXVII Ёзги Олимпиада ўйинларида.
21.45 Каратэ бўйича Ўзбекистон кубоги.
22.15 «Ишдаги ишқ». Бадиий фильм. 1-қисм.
23.40 «Ахборот».
00.15 «Ишдаги ишқ». Бадиий фильм. 2-қисм.
1.20—1.25 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури.
9.15 «Янги авлод» студияси: «Катта танаффус», «Мультомоша».
9.50 «Аср қиёфаси».
10.10 XXVII Ёзги Олимпиада ўйинлари кундалиги.
10.25 «Доктор Финли». Телесериал.
11.15 «Маслаҳат».
11.45 «Даллас». Телесериал.
12.30 «Садо-99» саҳифаларидан.
12.40 «Ёшлар» телеканалида спорт: Интерфутбол.
14.10 «Ўзбектелефильм» намойиш этади. «Ўзбекистон дурдоналари» туркумидан: «Жавоҳир шаҳарлар».
14.20 «Аёл зоти». Телесериал. 1-қисм.
14.50 «Мусиқий лаҳзалар».
15.00 «Баҳс».
15.20 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». 31-қисм.
* * *
16.10 Кўрсатувлар дастури.
16.15 «Янги авлод» студияси: «У ким? Бу нима?», «Мультомоша».
16.50 «Мусиқий лаҳзалар».
16.55 «Жиловланмаган Африка». Телесериал.
17.45 «Таянч».
18.00 «Мен элимнинг юрагида яшайман». Видеофильм.
18.15 «Мусиқий лаҳзалар».
18.25 «Ғазал соғинчи».
18.45 «Мусиқий лаҳзалар».
18.55 «Иқлим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «ТВ-анонс».
19.35 XXVII Ёзги Олимпиада ўйинлари кундалиги.
19.50 «Ўзбектелефильм» намойиш этади. «Ўзбекистон дурдоналари» туркумидан: «Самарқанд».
20.00 «Давр»-интервью.
20.15 «Авторейд».
20.25 Танишинг: Жасурбек Ризаев.
20.40, 21.15, 22.30 Эълонлар.
20.45 «Аёл зоти». Телесериал. 2-қисм.
21.20 «Ёшлар овози».
21.40 «Ёшлик наволари».
21.55 «Иқлим».
22.00 «Давр». Ахборот дастури.
22.30 «Мусиқий лаҳзалар».
22.40 «Даллас». Телесериал.
23.25 «Давр». Ахборот дастури.
23.40 «Мусиқий глобус».
23.55 «Ёшлар» телеканалида спорт: Теннис.
0.55—1.00 «Янги тонг».

ТК

7.30 «Пойтахт». Ахборот дастури.
7.55 «Экспресс» телегазетаси.
8.10 «Омад» тележурнали.
8.55 «Рамаяна». 63-қисм.
9.30-9.55 «Пойтахт». Ахборот дастури (рус тилида).
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00, 21.00, 23.05 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.25 «ТВ плюс».
18.45 «Экспресс» телегазетаси.
19.00, 20.30 «Табриклаймиз, кутлаймиз».
19.45 ТТВда сериал: «Қора дур доналари».
21.25 «Омад» тележурнали.
22.10 «Спрут». Телесериал.
23.30 Оҳанглар ва эълонлар.
23.35 ТТВда сериал: «Машҳур ва бадавлат одамлар».
00.20 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4 TV

РЖТ 6.30—8.00
14.00—15.15 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
•
15.15 Кўрсатувлар тартиби.
15.50 XXVII Ёзги Олимпиада ўйинлари. Австралиядан олиб кўрсатилади.
17.00 Мультчархпалак.
17.20 «Бугун оламда». Ахборот кўрсатуви.
17.30 «Бобил минораси». Телесериал.
18.35 «Рус транзити». Сериал.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
•
20.50 «Арманистон ҳақида этюдлар».
21.10 «Дил изҳори».
21.45 «Соккер клуб».
22.00 «Вести».
22.30 «Дил изҳори».
23.10 «Муҳаббат тарихи». Сериал.
24.00 «Ахборот» (рус тилида).
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин».

30 канал

9.00 Дастурнинг очилиши.
9.05 «Теле-ҳамкор». Метеохабар.
9.30 «Дунё шаҳарлари». Ҳужжатли сериал.
10.00 «Карапуз-ТВ».
10.30 Кундузги киносеанс: «Салом, мен сизнинг холангизман!». Комедия. Бош ролларда — А. Калягин, М. Козаков.
12.00 «Теле-ҳамкор».
* * *
18.00 Дастурнинг очилиши.
18.05 «Теле-ҳамкор».
18.35 «Сейлормун». Мультсериал.
19.00 «Қалблар қироличаси». Телесериал.
19.50 «Ошиқона». Мусиқий дастур.
19.55 «Теле-ҳамкор».
20.25 «Клип-совға». Телетабрикнома.
21.30 «30-канал» кинооқшоми. «Жонон лар». Мелодрама (Франция, 1998 й.) Бош ролда — Ж. Депардье.
23.00 «Ўзингни кўрсат». Дам олиш дастури.
23.15 «Дадажоним - майор». Ҳажвий сериал (АҚШ).
23.40 Мусиқий дам олиш дастури.

ЧОРШАНБА 27

1 TV

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00—8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ-маркет.
8.40 Марказий газеталар шарҳи.
8.55 «Қалб наволари». Мусиқий дастур.
9.20 «Тиббиёт оламида».
9.30 ТВ-метео.
9.40 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Танбур».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Кундузги сеанс: «Оловуддиннинг сеҳрли чироғи». Бадиий фильм.
11.25 ТВ-анонс.
11.35 «Қўшиғим-жон қўшиғим».
12.05 «Қўрқоқ бегемот». Мультфильм.
12.20 Футбол. XX асрнинг сўнгги жаҳон чемпионати. Руминия—Англия.
14.10 ТВ-анонс.
14.15 «Остонаси тиллодан». Адабий кўрсатув.
14.35 Эстрада тароналари.
15.00 ТВ-метео.
15.10 «У дунёдан келган қотил». Бадиий фильм.
16.45 ТВ-анонс.
16.50 «Вақтинг кетди».
17.05 II Халқаро симфоник мусиқа фестивалининг тантанали ёпилиши.
17.45 «Иқтисод ва биз».
17.55 ТВ-маркет.
18.10 «Соябон менинг ҳамроҳим». Мультфильм.
18.20 Болалар учун. «Кичкинтоймиз-гижингтоймиз».
18.40 «Истеъдод». А. Йўлдошев.
19.05 «Эл тинчлиги йўлида».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.50 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Таълим-тарбия миллий дастури амалда».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Мусиқий учрашувлар». Самарқанд вилоятидан.
21.35 XXVII Ёзги Олимпиада ўйинларида.
21.55 «Балли, раислар!» Телемусобақа.

«Тунги ҳамроҳ». Дам олиш дастури:
22.50 1. «Қалб сайёраси». 2.»Табассум кўчаларида».
23.30 «Ахборот».
00.05—00.15 Хайрли тун!.

YOSHLAR

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Давр». Ахборот дастури,
9.15 «Янги авлод» студияси: «У ким? Бу нима?», «Мультомоша».
9.50 «Мусиқий лаҳзалар».
10.00 XXVII Ёзги Олимпиада ўйинлари кундалиги.
10.15 «Давр» - интервью.
10.30 «Мусиқий лаҳзалар».
10.40 «Европа билан ҳамкорликда».
11.00 «Ёшлар овози».
11.20 «Мусиқий лаҳзалар».
11.25 «Даллас». Телесериал.
12.10 «Мусиқий лаҳзалар».
12.20 «Таянч».
12.35 «Кинотақдим».
12.55 «Ғазал соғинчи».
13.15 «Ўзбектелефильм» намойиш этади. «Ўзбекистон дурдоналари» туркумидан: «Самарқанд».
13.25 «Ҳайрат».
13.45 «Олтин мерос».
